

ЮСУФ ХОС ҲОЖИБНИНГ ИЖТИМОЙ АДОЛАТ ҲАҚИДАГИ

ҚАРАШЛАРИ

Асрор Мухамедов

Андижон давлат университети эркин изланувчиси

Аннотация

Ижтимоий адолатнинг жамият барқарорлигидаги ўрни ушбу тезисдаги асосий ғоя бўлиб, ушбу қараш Юсуф Хос Ҳожибнинг ижтимоий-фалсафий мероси призмасида тушунтириб берилган.

Калит сўзлар: ижтимоий адолат, ижтимоий стратификация, жамият, барқарорлик, давлат, жамият.

Мутафаккир камбағаллар, оч-яланғоч, бева-бечоралар, тул-етимлар ва шунга ўхшаш бошқа қашшоқлашган, феодал зулми остида эзилган, талон-тарож натижасида хонавайрон бўлган ҳамда барча имтиёзлардан маҳрум қилинган табақалар ҳақида гапирар экан, ҳукмдорни уларга нисбатан меҳр-шафқатли, инсофли, раҳмли бўлишга ундайди, мол-дунёни қизғанмасдан уларга улашиб беришга, садақа қилишга, едириб-ичиришга ва шу йўл билан уларнинг дуоларини олишга, ўзидан рози ва миннатдор қилишга чақиради. У амалдорларни ўзидан паст табақаларга нисбатан инсофли ва адолатли бўлишга, паст табақаларни эса юқори табақаларга нисбатан садоқатли бўлишга чақираркан, шу туфайли орзу қилинган осойишта ҳаётга эришишни назарда тутди:

Ҳалол дунё топгин, ўзингни едир,
Яланг, очга бер, жулдурини битир.¹

Давлатнинг яшаши учун асосий ишлаб чиқарувчи куч ҳисобланган меҳнаткаш омма, чорвадор ва деҳқонларнинг турли ҳаёт шароитидаги табақалари феодал ўзаро низолар, шунингдек, тинкани қуритиш даражасига бориб етган солиқлар, авжига чиққан адолатсизлик, зулм натижасида хонавайрон бўлиб давлатга, ҳокимиятга нисбатан исёнлар кўтариб турар, уларнинг зулм ва адолатсизликка қарши кайфиятлари ҳар қадамда рўй берар эди. Улар ҳукмрон синфлар учун хавфли эдилар. Меҳнаткаш халқ оммасининг асосий ишлаб чиқарувчи куч эканлигини, шунинг билан бир қаторда, уларнинг ҳукмрон синф учун хавфли эканлигини тушунган мутафаккир ҳукмрон синфларни зўр бериб инсофга, адолатга, саховатга чақирган. Юсуф Хос Ҳожибнинг бу даъвати исломнинг хайр-саховат, эҳсон ҳақидаги буйруқларига асосланган бўлса ҳам, ундан кўзда тутилган мақсад имтиёзли синфлар манфаатини ҳимоя қилишдан, хайр-

¹ Каримов Қ. Юсуф Хос Ҳожиб “Қўтадғу билиг”. – Т.: Фан, 1971.

эхсонлар, мол-давлат улашиб бериш, оч-яланғочларни едириб-ичириш йўли билан кучли синфий зиддиятларни юмшатиш, тинч ва осойишта ҳаётга эришишдан иборат эди.

Лекин зулм ва жаҳолат, инсофсизлик ва разолат авжига минган бир шароитда инсоф ва адолат, шафқат ва саховат даъвати билан чиқиш, камбағал-қашшоқлар, бева-бечоралар, оч-яланғочлар, етим-есирлар ҳолини кўриб, уларга ачиниш, ҳукмдор ва амалдорларни уларнинг ҳол-аҳволдан огоҳ бўлишга, мол-давлатни босиб ётмасдан, уни халққа улашиш воситасида давлатни мустаҳкамлашга, одил ва тўғри сиёсат юритишга чақириш феодал синфи вакили бўлган мутафаккирнинг катта ютуғи ва шижоати, унинг фаолиятидаги ижобийлик, илғорлиликнинг амалдаги кўринишларидан бири эди.

Лекин унинг идеали намунаси ўтмиш ҳаёт, кечмиш замон, ўтган кишилар. У ана шу ўтмишни идеаллаштиради, уни кумсайди, чуқур таассуфлар билан эслайди. Ўз замонасини ўтмиш билан, замона кишиларини ўтмиш кишилари билан таққослаб, билимлилар хор бўлганлигини, жоҳиллар ғолиблигини, фиску-фасод кучайганини, ҳалол йўқолиб ҳаром ортганлигини, тўғрилиқ, ростгўйлик барҳам топганлигини, эгрилик, ёлғон кўпайганини, бағритош бўлиб, тил доғулиликка ўрганганлиги, вафо ўрнини жафо, шафқат ўрнини ғазаб, омонат ўрнини хиёнат, адолат ўрнини разолат эгаллаганлигини, замона бузилганлигини, одамлар айниганлигини, тартиб-қоидалар, урфу - удум тафтиш бўлиб оёқ ости қилинганини, кичикларда одоб, улуғларда таълим йўқлигини, иззат-ҳурмат йўқолганини ачиниб қайд этади ва ўтганлар бу бузукликларнинг сабабларини айтиб бера олганларида эди, биз буларни тузатган бўлармидик, деган фикрни баён қилади.

Юсуф Хос Ҳожиб ўз даврининг етук файласуфи бўлган. У ўзининг “Қутадғу билиг” асарига дунёнинг тузилиши ва коинотнинг ҳаракати ҳақида чуқур илмий фикрлар баён этади. Бу фикрлар “Қутадғу билиг”нинг “Етти юлдуз ва ўн икки бурж” (Етти кавокиб ва ўн икки бурж²) бўлимида ўз ифодасини топган. У Оллоҳни эътироф қилиш ва дин, шариат йўлини бир дам унутмасликка тарғиб қилади. Тарки дунёчиликни қоралайди. Унинг фикрича, тарки дунёчиликда дунё бир бўш нарса бўлиб қолади, дунё неъматларидан воз кечмаслик, ундан баҳраманд бўлиш ва бошқаларни ҳам баҳраманд қилиш лозим, деган таълимотни изчиллик билан илгари суради. Юсуф Хос Ҳожибнинг дунё ва унинг тузилиши ҳақидаги ғоялари ва тасаввурларида илмий фикрлар келтирилади. Асар давомида дунёнинг айблари, унинг камчилик томонлари ҳам қаҳрамонлар иштирокида талқин этилади.

Тадқиқотчи таъкидлаганидек: “Биз бу тарихий асарни ўқир экансиз, асар қаҳрамонларининг ўзаро мубоҳасаси, суҳбатлари орқали яхшилик ва ёмонлик, самимийлик, эзгулик ва жаҳолатни ажратиш, Шарқнинг ўзига хос кучли демократик

² Содиқов Қ. Қадимги турк фалсафаси. – Т., 2008.

жамиятининг қурилиши ва тараққий этганини тушуниб етгандек бўламиз”³. Бу эса асарнинг ижтимоий фалсафий моҳиятини тушунишга ва англаб етишга бўлган қизиқишни янада кучайтиради ҳамда мавжуд муаммоларни ҳал қилишда асарга таянишга ундайверади.

Бу орқали илм аҳли томонидан баён қилинган фикрлар аксарият ҳолларда маълум бир қонуниятларга бўйсуниб айтилган, хулосалар эса мантиқий жиҳатдан асосланганига эътибор қаратилади.⁴

Хулоса қилиб айтганда, Юсуф Хос Ҳожибнинг жамият ҳақидаги фикрлари диққатга сазавордир. Чунки у жамият ҳақидаги қарашларида Форобий ва Ибн Синолар изидан бормади. Бунга у бу асарни ҳукмдорлар учун ёзганлиги сабаб бўлган бўлиши мумкин. Лекин бир нарса аниқки, унинг ҳар бир мисраси жамият учун фойда келтириш мақсадида ёзилган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Каримов Қ. Юсуф Хос Ҳожиб “Қутадғу билиг”. – Т.: Фан, 1971.
2. Содиков Қ. Қадимги турк фалсафаси. – Т., 2008.
3. Ш.Ҳошимов. “Қутадғу билиг”нинг ҳозирги кун жаҳон давлатчилигида юзага келаётган ижтимоий муаммоларни бартараф этишдаги ўрни. Жаҳон туркологиясининг буюк обидаси “Қутадғу билиг” ва уни ўрганишнинг долзарб масалалари. Халқаро конференция тўплами. – Тошкент, 2020. – Б. 72.
4. Мухамедов Асрор (2022). ЮСУФ ХОС ҲОЖИБНИНГ ИЖТИМОЙ СТРАТИФИКАЦИЯ КОНЦЕПЦИЯСИ. Ta’lim fidoyilari, 13-09 , 28-32.

³ Ш.Ҳошимов. “Қутадғу билиг”нинг ҳозирги кун жаҳон давлатчилигида юзага келаётган ижтимоий муаммоларни бартараф этишдаги ўрни. Жаҳон туркологиясининг буюк обидаси “Қутадғу билиг” ва уни ўрганишнинг долзарб масалалари. Халқаро конференция тўплами. – Тошкент, 2020. – Б. 72.

⁴ Мухамедов Асрор (2022). ЮСУФ ХОС ҲОЖИБНИНГ ИЖТИМОЙ СТРАТИФИКАЦИЯ КОНЦЕПЦИЯСИ. Ta’lim fidoyilari, 13-09 , 28-32.